

---

## ШАҲМАТ БЎЙИЧА МАРҒИЛОН ШАҲАР ҲОКИМИ КУБОГИ СОВРИНДОРЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Марғилон шаҳар ҳокимлиги ташаббуси билан шаҳардаги 10-сонли умумий ўрта таълим мактабида ҳоким кубоги учун спортнинг шаҳмат тури бўйича очиқ турнир ўтказилди. Унда Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятлари шаҳар-туманларидан 100 га яқин 7 ёшдан 30 ёшгача бўлган спортчилар иштирок этишди.

Мурасасиз беллашувлардан сўнг мусобақанинг тантанали тақдирлаш маросимида шаҳар ҳокими Адҳам Зиявитдинов сўзга чиқиб, юртимизда жисмоний тарбия ва спортга берилаётган эътибор натижасида ёшларимизнинг халқаро спорт майдонларида муваффақиятларга эришаётгани, юқори натижаларни қўлга киритаётганликлари, бу каби мусобақалар эса келгусида республика ва халқаро беллашувлар олдидан ушбу муҳим тайёргарлик вазифасини ўташини таъкидлаб ўтди.

Шундан сўнг ғолибларни тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Турли номинацияларда ғолибликни қўлга киритган совриндорларга шаҳар ҳокимлигининг фахрий ёрлиқ ҳамда қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

2021-10-22 09:56:08